

---

Вилоят ҳоқими Тошлоқ туманидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳамда ижтимоий объектлар фаолияти билан танишди

**Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Тошлоқ тумани Ахшак МФЙ ҳудудидаги янги “Пахтакор” массивида бунёд этилаётган кўп қаватли уй-жойлар қурилишини кўздан кечирди.**

**Жами 18 та 5 қаватли, 400 хонадондан зиёд уйлар қурилиши лойиҳалаштирилган манзилда қад ростлаётган бинолар ён атрофида аҳоли учун қулай бўлган инфратузилмалар ҳам шакллантирилмоқда. МФЙ маъмурий биноси қурилмоқда. Вилоят ҳоқими қурилиш ишлари якунланаётган боғчани кўздан кечирди. Массивда ишларни жадаллаштириш ва сифатли якунлаш кераклиги, спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳларини ташкил этиш, уйларнинг ертўлаларидан ҳам тадбиркорлик учун шароит яратиш, самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берди. Коммуникация тармоқларини тортиш жараёнларининг боришини муҳокама қилди. Туманда “Янги Ўзбекистон” массивини қурилиш жараёнига тезроқ киришиш бўйича туман раҳбарларига кўрсатма берди.**

**Вилоят ҳоқими “Қумариқ” МФЙда туман ҳоқими ва прокурори ташаббуси билан ҳомийлар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирланиб замонавий қиёфага келтирилган 93-сонли оилавий поликлиникада ҳам бўлди. 720 миллион сўмлик ишлар бажарилган тиббий маскан 13 700 нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. УЗИ, акушер-гинеколог, стоматолог, умумий амалиёт шифокори, терапевт каби 5 та йўналишда 40 нафардан зиёд мутахассислар фаолият олиб бормоқда.**

**Навбатдаги манзилда тумандаги Хонариқ МФЙда жойлашган “Найманбўстон” маданият марказини 3,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобига капитал таъмирлаш ишлари кўздан кечирилди. Маҳалла фаоллари билан суҳбатлашган вилоят ҳоқими бу ерда ҳар куни турли тадбирлар, концерт, мушоира, адабиёт кечалари бўлиши кераклигига эътибор қаратди ва маданият маркази фаолиятини самарали йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.**

**Тошлоқ шаҳарчасида тадбиркор Абдумутал Мамадалиев ташаббуси билан барпо этилаётган, лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмдан зиёд бўлган 3 қаватли хизмат кўрсатиш ва савдо маркази қурилиши жараёнлари билан ҳам танишилди.**

2022-02-11 19:27:59